Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

6

1987

56-йил чиқиши

Бош редактор

Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Саид АҲМАД
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
(бош редактор ўринбосари)
Омон МУХТОРОВ
(проза бўлими мудири)
Умарали НОРМАТОВ
Ғулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТЎЛА
УЙҒУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул секретарь)
Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

УШБУ СОНДА

Наср



Фарҳод МУСАЖОН

БОҒ КЎЧАМНИ ҚЎМСАЙМАН

Қисса

Бугун у умрида биринчи марта «бекор»га вақт сарфлашга журъат этди. Югур-югурдан бир лаҳза тўхтаб, босиб ўтган умрига назар ташлаш мақсадида табиат қўйнига отланди. Кейинги кунларда кўнгли хира эди. Сабаби эсини таниганидан то шу пайтгача қилган ҳамма иши ўзига бемаънилиқдек бўлиб туюла бошлади, аммо бунга очиқ иқрор бўлишга юраги бетламасди.

Шеърият

Шавкат РАҲМОН

ТУЙҒУЛАР ҚУЙИЛАР ТЕРАН ЎЗАНГА

Шеърлар

Кимлар англаб етди ошиқлигимни,
оламнинг кўзидан нечун ниҳонман?
Бутун борлиғимни бор коинотдан
зарралаб-зарралаб
терган инсонман.



Инқилоб чавандозлари



Ҳамдам СОДИҚОВ

ТЎҚНАШУВ

Очерк-хроника

Улуғ Октябрь социалистик революцияси мазлум Шарқ халқларининг миллий озодлик ҳаракатига катта таъсир кўрсатди. Мустабид амир зулмига қарши Бухородаги инқилобий ҳаракатга Файзулла Хўжаев раҳбарлигидаги ёш бухороликлар партияси бошчилик қилди. У золим амирга қарши курашда рус пролетариати содиқ иттифоқчи бўлишини ўз вақтида англаб етди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Матёқуб Қўшжонов

САВИЯ ИЖОДНИНГ БОШ ТАЛАБИ

(Ўзбек романчилиги ҳақида баъзи мулоҳазалар)

Кейинги йилларда ўзбек романчилиги талайгина ютуқларни қўлга киритди. Бир вақтлар йиллар давомида битта роман эълон қилинса, адабий жамоатчилик учун катта воқеа ҳисобланарди. Эндиликда «Шарқ юлдузи» журналининг ўзиёқ ўқувчиларга йилда бир нечта роман ҳавола этяпти. Ўз асарлари билан китобхон эътиборини қозонган тажрибали ёзувчиларимиз билан бир қаторда ўрта ва ёш авлод адиблари ҳам романчилигимизни янги-янги асарлар билан бойитмоқда.

Мавзу жиҳатидан бугунги романларимиз ранг-баранг. Республика ҳаётидаги улкан ўзгаришлар — ҳар хил йирик иншоотлар ҳақида кўламли полотнолар яратилди. Баъзи романларда даврнинг кескин бурилишларига боғлиқ ҳолда шахс қисмати ва совет кишилари фаолияти тадқиқ қилинмоқда. Улуғ Ватан уруши воқеалари, қўшни халқлар билан дўстона муносабатлар ҳам романнависларимиз асарларида ўз аксини топаяпти. Адибларимиз узоқ тарихга доир муҳим воқеаларга мурожаат этиб, уларни қайта тирилтиришда ҳам озмунча ишлар қилаётганлари йўқ. Хуллас, бугунги кундаги ҳаёт мураккабликларини ёзувчиларимиз баҳоли қудрат акс эттириб, адабиётимизнинг катта хирмонига муносиб ҳиссаларини қўшяптилар. Бу ҳол адабий танқидчилик олдига жиддий вазифаларни қўяётир. Яратилаётган асарларга, хусусан, йирик полотно типидаги асарларга ҳаётийлик ва бадиият талаблари асосида назар ташлаш, уларнинг ютуқ-камчиликлари хусусида фикр юритиш ва шу йўл билан адабиётимизнинг келажагига таъсир ўтказиш танқидчилик олдидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Бу ўринда, назаримизда, энг муҳим нуқта сифат масаласидир. Кейинги йилларда матбуот саҳифаларида, партия анжуманларида қабул қилинган ҳужжатлар, хусусан, КПССнинг XXVII съезди материалларида, жамият ҳаётида сифат масаласига катта эътибор берилгани бежиз эмас. Адабиёт ва санъатда эса у бош масала ҳисобланади. Сифат, яъни бадиият масаласи адабиёт ва санъатда фақат шаклгагина боғланиб қолмайди. У баб-баравар ҳам мазмунга, ҳам шаклга тааллуқлидар. Бу ўз-ўзидан аён. Аммо ҳали ҳам шакл ва мазмун бирлигига таяниб фикр юритувчи олимларга нисбатан ўзларининг сийқа «принциплари»дан келиб чиқиб формализм белгисини тақиб қўйишга уриниш ҳоллари батамом йўқолиб кетган эмас. Адабиёт ва санъатда бадиият хусусида фикр юритилганда, албатта, шакл ва мазмуннинг бирлиги назарда тутилади. Афсуски, ижодда бадиийликни фақат шакл муаммоларига боғлаб қўйиб, мазмунни улардан ажралган ҳолда тушуниш ва шу асосда бадиий жиҳатдан заиф асарларга юксак баҳо бериш тенденциялари учраб туради. Шаклни мазмундан ажратиб қўйиш ҳам ёки уни назарписанд қилмасдан асар қимматини белгилашга уриниш ҳам самарасиз йўлдир.

* * *

Ҳозирги ўзбек романлари ҳақидаги мулоҳазаларимизни романнависликда анча тажриба орттирган, мақтовларни ҳам, танқидий фикрларни ҳам эшитиб, кўникиш ҳосил қилган адибларимизнинг асарларидан бошламоқчимиз.

Мана, қўлимизда Ҳамид Ғуломнинг янги «Қорадарё» романи. Қорадарё гўзал ўлка — Фарғона водийсининг асосий сув манбаи. Ҳамид Ғулом янги асарини мана шу ўзан атрофидаги йирик масалалардан бирига бағишлабди. Бу — Кампирравот сув иншоотининг қурилиш тарихи. Бироқ мавзунинг шу тарзда белгиланиши, яъни бутун бир романни маълум бир қурилишга бағишланиши китобхонга бир оз эриш туюлади. Сабаби, бугунги синчков китобхон бу хилдаги асарлар билан анчадан бери таниш. Шунинг учун ҳам у «Ҳа, қурилишга тегишли ўзимиз биладиган гаплар экан»да деган шубҳа билан китобни қўлга олади. Тўғри, маълум бир қурилиш ҳақида асар ёзиб ҳам китобхонни қойил қолдириш мумкин. Бунинг учун адиб бутун ёзувчилик санъатини ишга солиши керак, акс ҳолда муваффақият қозониши қийин.

«Қорадарё» маърифий жиҳатдан ўқувчига анчагина маълумот беради. Биз катта иншоотнинг қурилиш тарихи, унда иштирок этган ҳар хил савиядаги, ҳар хил ахлоқ принципларига эга бўлган қатор шахслар ҳаёти билан танишамиз. Китобни ўқиб чиққач, ҳаёт ҳақида маълумотимиз бир қадар ошгандек бўлади.

Асарда ўз ишига содиқ, ҳалол райком секретарлари Карим Узоқов, Ҳабиба Камоловалар билан танишамиз. Роман саҳифаларида ҳаётнинг анчагина алғов-далғовларини бошидан ўтказган, диёнатига содиқ Илҳом Зуфаровни кўрамиз. Асарда китобхон дили ва дидига яқин Обиджон, Дилбар, Мария образлари ҳам бор. Ундаги бошқа қатор образлар ҳам кўпгина ижобий фазилатларга эга. Романда кейинги даврларда ҳаётимизда содир бўлган салбий иллатларни ўзларида

www.ziyouz.com kutubxonasi

мужассамлаштирган молпараст, коллектив ишончини оқламаган Норхўжа Афзалов типидаги шахслар билан танишамиз. Бошқа романлардагидек, бу ерда ҳам ижобий қаҳрамонлар билан салбий образлар орасида зиддиятлар рўй беради. Рисоладагидек, мусбат кучлар ғолиб келади. Романда ҳаёт материалини шу хилда танлаш ва образларни мазкур тартибда акс эттиришнинг ўзида ҳам маълум даражада маърифий ва бадиий қиммат бордек кўринади. Аммо бугунги синчков китобхон учун, ҳаёт ҳақида кенг маълумотга эга ҳамда жиддий эстетик қарашларни кутадиган ўқувчи учун булар етарлимикин?

Назаримда, етарли эмасга ўхшайди. Романда ҳаётий воқеаларни кўргандек, унда иштирок қилаётган образларнинг хатти-ҳаракатини кузатаётгандек бўламиз. Аммо, бугунги етук романларда кўзга яққол ташланадиган романга хос теран ижтимоий-бадиий тафаккурни кўрмаймиз. Унда ҳаёт умумий тарзда тасвирланади. Образлар ҳам ўша умумийлик талабига мувофиқ асарга киритила беради. Бироқ воқеалар ва тасвир объекти қилиб олинган образлар китобхонни ларзага соладиган, унда чуқур ҳис ва ҳаяжон уйғотадиган бирор фикрий йўналишга бўйсундирилмайди. Бошқача қилиб айтганда, муаллиф ҳаёт материалларига нисбатан лоқайд. Китобхонга етказиш зарур деб ҳисобланган фикр пишиб етмаганлигидан адиб романга турмушдаги кўпгина воқеаларни, эпизодларни, ном ва атамаларни киритаберган. Кампирравот сув иншооти қурилаётган жойдаги колхоз, совхоз, қатор қишлоқлар тилга олинади. Лекин уларнинг бирортасини тўла тасаввур қилолмаймиз. Яъни бу жойлар бадият талаби асосида, рангдор бўёқлар билан гавдаланмайди. Муаллиф таърифлаган қурилиш, мактаб, қишлоқ ёки совхоз аниқ қиёфадан маҳрум. Шу сабабли у тасвирлаган объектларнинг биронтаси манзара сифатида эсада узоқ сақланмайди.

Образлар қиёфаси ҳам шунга монанд. Аввало, романда образларни маълум нуқтага жамловчи фикрий яхлитлик йўқ. Шунинг учун унда иштирок қилувчи шахслар ниҳоятда кўп. Баъзи персонажлар асарда бир марта тилга олинади-да, қайта эслатилмайди. Иккинчидан, уларнинг ҳар бири қандайдир вазифалар билан банддек, қайсидир ишларни бошқараётгандек кўринади. (Айрим ўринлардаги баъзи эпизодларгина эсда сақланиб қолади холос). Аммо уларнинг ҳаммаси бирлашган ҳолда, маълум марказий ғояни ўтказишга бўйсундирилмаган. Яъни, ҳаракатдаги ҳар бир шахс бир-бирлари билан китобхонда катта ҳис ва ҳаяжон уйғотадиган фикр мантиғи асосида эмас, балки юзаки боғланадилар. Бу боғланиш, афсуски, фақат муаллиф ихтиёри билан рўй беради. У персонажларни хоҳлаганча тўқнаштираверишн, ҳатто ўрин алмаштираверишн, асардан чиқариб юбориши ҳам мумкин. Бу ерда ҳам ўша лоқайдлик — марказий, ташкил қилувчи кучнинг сезилмаслиги ҳукм суради.

Романда образлар ҳаракатига тегишли бошқа бир ҳолат ҳам кўзга ташланади. Асардаги шахслар кўпдан кўп ишларни бажаришади: ўқитувчи дарс беради, қурувчи иншоот қуради, шофёр юк ташийди. Раҳбарлар қилаётган ишларнинг сон-саноғи йўқ. Ёшлар бошига турли-туман саргузаштлар тушади. Аммо булар ҳам романчилик талабига хос яхлит тафаккур бирлигига мувофиқ рўй бермайди. Улар пароканда ва режасиз. Шу боисдан, персонажларнинг бу хатти-ҳаракатларига китобхон ҳам лоқайд.

Романда қатор салбий воқеалар фош қилинади. Норхўжа Афзаловнинг молпараст ва шуҳратпарастлиги, шу асосда рўй берган исрофгарчиликлар, унинг партия ишончини суистеъмол қилиб қўшиб ёзиш билан шуғулланишлари, ўз мансабидан фойдаланиб ўғли Анварга олтин медаль олиб бериши ва институтга жойлаб қўйишлари... Бу ҳодисалар ҳаётий ва ҳаққонийдек кўринади. Дарҳақиқат, турмушда мавжуд бўлган бу хилдаги нуқсонлар кейинги пайтларда партия ва ҳукуматимиз томонидан фош қилинди. Афсуски, «Қорадарё»да булар романнинг таркибий қисми сифатида кўзга ташланмайди. Балки фош қилинган иллатни шунчаки бир сидра қайд қилиб ўтиш мақсадида асарга киритилганга ўхшайди. Романда салбий ҳодисаларга хос бўлган шундай воқеалар борки, улар тасвирланаётган марказий масала — Кампирравот қурилишига етарли даражада алоқадор эмас. Романдаги мол ўғриси ва унга алоқадор милиция ходими Салиев ва дружинниклар-нинг хатти-ҳаракатлари тасвирдаги ибтидоийликдан ташқари роман контекстига ҳеч ёпишиб тушмайди. Бу ҳол ҳам романда марказий концепциянинг йўқлигига, авторнинг ҳаёт воқеаларига лоқайд қарашига бориб боғланади.

«Қорадарё»да бошқа жиддий камчилик ҳам бор. Бу ёзувчининг тасвирлаш услубига алоқадор.

Гап шундаки, адибнинг тасвир услуби асосан қайд қилишдан иборат. Воқеа ва ҳодисалар кўпроқ номланади, аталади, санаб ўтилади-ю, лекин рангдор бўёқларда товланиб кўринмайди. Роман орқали турли маълумотларни билиб олгандек бўламиз, аммо уларни чуқур ҳис қилмаймиз. Шу сабабли улар онгимизда узоқ сақланиб қолмайди. Хотирамиздан тез кўтарилиб кетади. Ўн тўртинчи бобни эслайлик. Райкомнинг бюро мажлиси. Колхоз раиси Афзаловнинг шахсий иши кўрилаяпти. Райкомнинг биринчи секретари, раис, унинг ён томонида бошқа секретарь — Ҳабиба Камолова. У колхоз ишлари хусусида тузилган комиссия хулосаларини ўқиб беради. План бажарилмаганлиги, ҳосил ўрнига пул ишлатилганлиги, қурилиш ишлари издан чиққанлиги, шахсий уй қуриш, машина олиш билан банд бўлган раиснинг мансабпараст ва шуҳратпарастлиги, эллик ёшга кирганлиги муносабати билан исрофгарчиликларга йўл қўйиб, катта йиғин қилганлиги, қинғир йўллар билан ўғлини ўқишга киритганлиги ва бошқа воқеалар қайд қилинади.

Райижроком раиси Дадахон ака сўзга чиқиб, комиссия хулосасини маъқуллайди. Буларнинг ҳаммаси тасвир йўли билан эмас, шунчаки қайд қилиш, тўғрироғи, протокол йўли билан баён қилинади. Баён шу даражада қуруқ ва ширасизки, уни ўқиб биз ҳеч қандай таассурот олмаймиз. Мана, Дадахон аканинг сўзлари:

«— Мен районимизда қирқ йилдан бери ишлаб, бунақа лўттибозни кўрмаганман... Афзалов ишончимизни оёқ ости қилди. Унинг кейинги икки-уч йилдаги иши — ниқобланган ўғирлик... Хотинининг туғилган кунига беш юз киши чақирибди-я... Қайсинглисини мактабга директор қилиб қўйди. Қодирова-ку, ишдан олинар, аммо издан чиққан таълим-тарбия ишларини йўлга қўйиш учун анча вақт, меҳнат керак бўлади».

Наҳотки, қирқ йилдан бери шу районда яшаб келаётган, Афзалов билан эса йигирма йил бирга ишлаган, ҳаёт тажрибасига бой, коммунист муҳокама қилинаётган масала хусусида шу даражада қуруқ ва ҳис-ҳаяжонсиз фикр юритса?

Кекса коммунистнинг бу сўзларига, шунингдек, комиссия хулосаси санаб ўтилган камчи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ликларга эътирозимиз йўқ. Аммо шу фикрлар баён қилинаётганда қаҳрамон ҳолатида ҳар хил ўзгаришлар рўй бермайдими? Бу руҳий ҳолат на унинг нутқ йўсинида, на сўзларни танлашида, на хатти-ҳаракатларида, на юз-кўзларида акс этади. Ахир, бадиий ижоднинг бош талаби маълум бир ҳолатдаги инсон руҳиятини кўрсатиш эмасми? Жиддий ҳаётий масалага бағишланган бюро мажлисини бошқараётган райком секретарлари Узоқов, Камоловаларнинг хатти-ҳаракатлари тасвирида ҳам биз бирор руҳий ҳолат ифодасини кўрмаймиз. Буниям майли дейлик-да, йигирма йилдан бери партия аъзоси, ўн саккиз йил мобайнида колхозга раҳбарлик қилган Афзаловнинг бюродаги нутқига эътибор берайлик: «Мен Тошкент халқ хўжалиги институтини йигирма йил аввал битирдим. Ашандан бери партия аъзосиман. Раисликка сайланганимга ўн саккиз йил бўлди. Меҳнатим «Ҳурмат белгиси» ордени, медалларминан тақдирланди...»

Бу ерда ҳам қуруқ қайд, ўша протокол услуби. Биз Афзаловнинг сўзларини ўқиймиз, лекин ўзини кўрмаймиз. Ахир адабиётнинг вазифаси воқеаларни қуруқ қайд қилиш эмас, М. Горький сўзлари билан айтганда, кўрсатиш ва гавдалантириш-ку. Бу фикрни хоҳлаган бадиий баркамол асардан мисоллар келтириб далиллаш мумкин. Аммо бунга зарурат бўлмаса керак. Йигирма йилдан бери партия аъзоси, ўн саккиз йил бутун бир коллективга раҳбарлик қилиб келган одам оғир жазо олаяпти. Ким бўлишидан қатъи назар, бундай пайтларда унинг хаёлига нималар келмайди дейсиз? Руҳий ҳолатида қандай ўзгаришлар рўй бермайди дейсиз? Бу ҳолат ўзгаришлари унинг ташқи қиёфасида турли тарзда намоён бўлади-ку! Қани бу ҳолат ўзгаришлари? Қолаверса, шуниям таъкидлаш керакки, қаҳрамон образини индивидуаллаштириш учун «билан» сўзини «минан»га алмаштириш қабилида иш тутиб, битта-иккита сўзни бузилган ҳолда текстга киритишнинг ўзигина ёзувчига муваффақият келтиравермайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ҳамид Ғулом бадиий ижодда тажриба орттирган ва кўпгина асарлари билан китобхонлар эътиборини қозонган адиб. Унинг «Машъал», «Бинафша атри» каби романлари, чет эл мавзуидаги ҳикоялари, қатор шеър ва балладалари фикримизга далилдир. Уларда ёзувчи доим изланишда бўлди. Янги-янги приёмлар қўллади. Бадиий воситалардан самарали фойдаланиш йўлларини ахтарди. Афсуски, «Қорадарё»да у ўз имкониятларини тўла рўёбга чиқара олмади. Ўйлаймизки, бу роман ҳақидаги мулоҳазаларимиз бекорга кетмайди.

Хусусан, ҳаёт ҳақида бадиий ижод ҳақида ҳалол фикр билдириш одат тусига кириб қолган ҳозирги пайтда адибнинг ўзи ҳам бу ҳақда мулоҳаза қилиб, қуйидаги гапларни айтгани ибратлидир: «Биз, ёзувчилар баҳсга унчалик ўрганмаганмиз, орамизда ўз шаънига айтилган озгина, ҳатто беозоргина танқидий фикрга «сакраб тушадиган», қош-қовоғини уюб оладиган ҳамкасбларимиз ҳам йўқ эмас» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1986, 8 август).

Жуда тўғри айтилган фикр. Биз «Қорадарё» романини таҳлил қиларканмиз, адибнинг ижодкор сифатида баҳсга мойиллигини назарда тутдик.

Афсуски, «Қорадарё» бадиий номукаммалликда яккаю ягона мисол эмас. Ажабланарлиси шундаки, кейинги йилларда бадиий ижодда сифат масаласи ҳақида, ҳар жиҳатдан мукаммал асар яратиш хусусида тинимсиз гапирилмоқда. Партия ва ҳукуматимизнинг қарорларида ҳам, ёзувчилар союзининг катта анжуманларида ҳам бу ҳақда жиддий талаблар қўйиляпти. Шунга қарамасдан, сифат жиҳатидан етук бўлмаган асарлар, йирик-йирик полотнолар ҳамон ёзилаётибди.

Иброҳим Раҳимнинг «Генерал Равшанов» романи эълон қилинганига кўп бўлганича йўқ. Табиийки, бу асар ҳақида оғзаки ва ёзма равишда ҳар хил фикрлар айтилди. Аслида, бутун жаҳонни ларзага солган, даҳшатли оқибатлари билан жамият тараққиётига катта талафотлар етказган Иккинчи жаҳон уруши йилларида совет кишилари кўрсатган жасорат, фидойилик ҳақида асар яратиш айни муддао. Бунинг устига, Иброҳим Раҳим — Улуғ Ватан уруши жангларида қатнашган, унинг оғир даҳшатлари-ю, халқимиз матонатини ўз кўзи билан кўрган ёзувчилардан бири. Шу сабабли китобхон бу романни алоҳида ишонч ва умидлар билан қўлга олади. Адибнинг шу мавзудаги илгариги асарлари билан ҳам таниш бўлган ўқувчи бу гал ундан катта маҳорат намунасини кутади.

Романнинг дастлабки бобларида қирқ биринчи йил кузидаги уруш манзарасини тўғри кўрсатадиган анча реалистик эпизодлар бор. Кутилмаганда бошланган уруш натижасида рўй берган маълум даражадаги парокандалик, айрим қўмондонларнинг саросимага тушиб, ўзларини йўқотиб қўйишлари, вужудга келган вазиятдан дарров тўғри хулоса чиқара олмаганликлари кўз олдимизда намоён бўлади. Михаил Семёнович Будённий, генерал Жуков сингари атоқли қўмондонлар ўша давр вазиятига хос хатти-ҳаракатлари билан кўз олдимизда гавдаланади. Асар бошларида бош қаҳрамон полковник Равшановни ҳам шу ҳолатда кўрамиз. Оғир вазиятда Бош қўмондонлик қай даражада тўғри йўл тутгани, командир кадрларни қисқа муддат ичида қобилияти ва истеъдодига қараб зарур ўринларга белгиланиш жараёни ҳам романда тўғри акс этган. Олий Бош қўмондоннинг букилмас, синмас иродаси кўрсатилган эпизодлар, мураккаб шароит ва фашизмга қарши курашдаги оптимистик руҳ тасвирига бағишланган манзаралар анча.

Романни ўқиб, китобхон муайян бир дивизиядаги уруш ҳаракатларини олиб бориш тартиблари, қисмларнинг ўзаро алоқаси, интизоми билан танишади. Бу жиҳатдан роман тарихий ва маърифий аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиздир.

Иброҳим Раҳимнинг янги романида фронтдаги баъзи мураккабликларни, турли хил манфаатни кўзлаган командирлар орасидаги зиддиятларни, қўмондон фаолиятига боғлиқ қарама-қаршиликларни кўрамиз. Булар ҳам Улуғ Ватан уруши манзараларини холис акс эттириш жиҳатидан китобхон тушунчасини бойитади.

Ҳар бир мукаммал бадиий асарнинг фазилатлари бетакрор ва ўзига хос бўлганидек, номукаммал асарларнинг камчиликлари ҳам ўзига хос, бири иккинчисидан фарқ қиладиган бўлади. «Қорадарё» романидаги етишмовчилик кўпроқ манзараларни аниқ чизмаслик, образлар тасвирини эскиз шаклида бериш, воқеа ва роман иштирокчиларини қайд қилиб ўтишда, ниҳоят, услубнинг ўзи «протокол» йўсинида эди. «Генерал Равшанов»даги камчиликлар эса кўпроқ воқеа, ҳодисалар ва образларнинг хатти-ҳаракатларидаги мантиқсизлик ва мантиқий тугалликка эришилмагани билан боғлиқдир. Бадиий ижоддаги мантиқсизлик эса китобхон ишончига путур етказади.

Воқеаларни, характерларни ишонарли, тўла далилланган шаклда ифодалаш ижоднинг муҳим талабларидан биридир. Рус халқида бир мақол бор. Бир бочка асални йўққа чиқариш учун бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

қошиқ аччиқ қора суюқлик кифоя. Бадиий асардаги мантиқсизликни ҳам шунга ўхшатгимиз келади.

Романдаги баъзи нуқталарни кўздан кечирайлик. Асар марказида генерал Равшанов образи туради. Унинг умр йўли мураккаб. У — ҳаётини ҳарбий ишга бағишлаган совет офицерларидан бири. Равшанов образида намуна бўладиган анчагина кечинма ва хислатлар бор. Бироқ, афсуски, уларнинг ҳаммаси мантиқан теранлик касб этмаган.

Ёзувчи ретроспектив планда генерал Равшанов ҳаётига доир маълумотларни қайд қилади. Маълум бўладики, у — Халхингол жанги қаҳрамонларидан бири. Бироқ, асарда қайд қилинишича, у 1938 йилда ҳибсга олинган, кейинчалик оқланиб, яна сафга қайтган.

Реал воқеа сифатида бундай ҳодисанинг рўй беришига ҳеч қандай эътироз йўқ. Аммо китобхон унинг сабаби билан қизиқади. Бироқ романда бу ҳақда ҳеч нарса дейилмайди.

Асарда яна бир эслатма бор: Равшанов қамоқдан чиққанда, хотини кетиб қолгани маълум бўлади. У нима сабабдан кетди, қаёққа кетди — ўқувчига қоронғи. Англашиладики, у — енгилтабиат ва хиёнатчи аёл. Аммо ёзувчи унинг қилмишларига яраша муносабат билдирмайди. Шу хилдаги мантиқий тугаллик йўқлиги Темур Равшанов характери тасвирига ҳам хос. Равшанов ўзининг қамоққа олиниши, хотинининг хиёнати, ўғлининг тақдири ва ҳоказолар ҳақида кўп ўйлаб ўтирмайди, яъни ёзувчи масаланинг зарур бўлган бу томонига эътибор қилишни лозим топмайди. Оқибатда Темир Равшанов бошига тушган ва эслатма сифатида асарга киритилган бу воқеаларнинг бадиий вазифасини, ғоявий юкини сезмаймиз. Романдаги яна бир воқеага назар ташлайлик. Бу — тасбеҳ билан боғлиқ. Равшанов госпиталда ётганда, бирга даволанган қария унга тасбеҳ ҳадя қилади. (Бу ерда сунъийлик бор. Равшанов — командир, қария эса оддий аскар. Одатда офицерлар билан солдатларнинг госпиталлари алоҳида-алоҳида бўлади. Демак, тасбеҳга алоқадор бу воқеа ишонарли эмас.) Роман давомида Равшанов тасбеҳни эрмак қилиб юриши айтилади. Ҳатто олий қўмондонлар қабулида ҳам у тасбеҳни қўлидан қўймайди. Бу деталь ҳам китобхонни ишонтирамайди, чунки Равшанов — коммунистик руҳда тарбияланган, илмли, онгли ва илғор совет офицери. Шундай киши тасбеҳни қўлдан қўймай юрганига китобхон ажабланади.

Айтайлик, булар — қистирма деталлар. Бу нуқталарни тўла далиллашни, уларга маълум ғоявий мақсад юклашни муаллиф лозим кўрмагандир. Аммо романдаги асосий воқеаларда ҳам ишониш қийин бўлган, етарлича далилланмаган фактлар кўп учрайди. Ёзувчи тасодифларга кўп ўрин беради. Сотқин Тангриберди Хўжаев образи билан боғлиқ воқеаларни эслайлик.

Темур Равшанов турмадан чиққанида Тангриберди Хўжаев унга илтифотлар кўрсатади. Эслатма воқеа сифатида у ҳам унчалик эътироз уйғотмайди. Асарда айтилишича, бу киши кўпчилик қатори Улуғ Ватан урушига сафарбар қилинган, немисларга асир тушиб, Туркистон легионига хизматга кирган. Хоин характерига тегишли бу деталлар ҳам эътироз туғдирмайди. Бироқ минг-минг километрлар чўзилган фронт майдонида Туркистон легионининг ташвиқотчиси бўлган жосус, Равшанов қўмондонлик қилаётган дивизия рўпарасидан чиқиб қолиши қаҳрамонларни тўқнаштириш мақсадида атай тўқилгани сезилиб турибди.

Бунга ҳам майли дейлик. Ёзувчи романда мураккаб вазият яратиш орқали бош қаҳрамон образини аниқроқ тасвирлашни мақсад қилган. Ҳақиқатан ҳам шу воситада конфликтли ҳолат яратилади. Афсуски, бу зиддиятли вазиятни ҳам ишонарли чиққан, деб бўлмайди. Полковник Равшанов асир қилиб олинган Тангриберди Хўжаевни илиқ қабул қилади — уни ювинтиради, кийим-кечакларини алмаштиради, яхши овқатлар, ичимликлар билан меҳмон қилади, маишат узоқ вақт давом этади. Комдивнинг ушбу ҳаракатлари китобхонни таажжублантиради. Ёзувчи ўқувчини ишонтириш учун Темур Равшановнинг қарздорлигига ишора қилади. Яъни, 30-йилларнинг охирида, у қамоқдан чиқиб келган вақтда қўшниси — савдо ходими Тангриберди уни худди шу тарзда меҳмон қилган экан. Бундай воқеалар ҳаётда бўлиши мумкин. Аммо воқеа рўй бераётган вазиятни ҳисобга олсак, бу ҳодиса ишонарли чиқмаганлигини англаймиз. Тангриберди Хўжаев — ашаддий сотқин. У фашистлар томонига ўтиб, оғир жиноят қилган. Шарқ халқларини мусулмон легионига қўшилишига очиқдан-очиқ даъват қилиб, иккинчи бор кечириб бўлмас гуноҳга йўл қўйган. Шундай жирканч унсур билан онгли совет офицери ҳамтовоқ бўлиб, маишат қилиши у ёқда турсин, ҳатто саломлашишини ҳам тасаввур қилиш қийин. Бунинг устига шиддатли жанг кетаётган, қуршовда қолган бутун бир дивизиянинг ҳаёти қил устида турган пайтда илғор совет офицери «қарзи»ни ўйлаб, хоин билан ярим суткалаб вақт ўтказиши, у билан нон-қатиқ бўлиши мантиққа тўғри келармикан? Борди-ю, шундай воқеа рўй берса, уни фақат Темир Равшанов характеридаги зарарли ортиқча кўнгилчанлик ва сентиментализм, деб баҳолаш мумкин. Бундай ҳолда ёзувчи қаҳрамоннинг бу қилмишига нисбатан объектив муносабат билдириши мумкин эди. Иброҳим Раҳим эса бундай қилмайди. Натижада, илғор ҳисобланган совет офицерига нисбатан китобхонда ноҳуш таассурот қолади.

Воқеанинг давоми шуки, комдив зиёфатдан кейин Тангриберди Хўжаевни отиб ташлайди. Шу муносабат билан Темир Равшанов ҳақида дивизияда турли шубҳалар пайдо бўлади. Ёзувчининг асосий мақсади шубҳа уйғотиб, қаҳрамон образини зиддиятларда кўрсатишдан иборат. Аммо воқеа негизи уйдирма бўлгани — етарли даражада далилланмагани туфайли мазкур зиддият ҳам китобхонни ишонтирмайди. Эртасига жанг пайтида Тангриберди Хўжаевга қайсингил бўлган алоқачи қиз Шарифа Мадалиева — Темир Равшановнинг севгилиси хоиннинг ўлигини кўмиш билан банд бўлади. Бу ерда ҳам ўша лоқайдлик ва ортиқча сентименталлик кўзга ташланади. Бу эпизод туфайли пайдо бўлган зиддиятли вазият ҳам китобхонни ишонтиравермайди.

Тангриберди Хўжаевнинг Темир Равшанов дивизияси рўпарасидан чиқиб қолиши тасодиф дедик. Бундай ҳол фақат Тангриберди образи билан боғлиқ бўлса, у ҳақда гапиришнинг ҳожати йўқ эди. Асарда тасодифий учрашувлар, тўқнашувлар жуда кўп. Романда кўрсатилишича, Москва бўсағасида бораётган жанглар пайтида бош қаҳрамон генерал Жуков билан учрашиб қолади. Ёзувчи уларнинг бир-бирларини яхши танишлигини, Халхингол жангида бирга иштирок этишганини қайд этади. Кейинчалик генерал Равшанов қўмондон сифатида отлиқ аскарлар дивизияси билан душман ортига ўтиб, Стрелкова қишлоғини ишғол қилади ва у ердан туриб, генерал Жуковга унинг она қишлоғи озод этилгани ҳақида хабар беради. Фронт қўмондони билан боғлиқ иккита тасодифнинг кетма-кет келтирилиши ўқувчида шубҳа уйғотмасмикан?

Юқорида эслатилганидек, генерал Равшанов анча йиллардан бери ёлғиз яшайди. Фронтга

www.ziyouz.com kutubxonasi

жўнамасдан олдин у Шарифа Мадалиева билан танишган. Қизиғи шундаки, қандайдир тасодиф билан Шарифа Темир Равшанов дивизиясига алоқачи сифатида тушиб қолади. Шарифанинг отаси Содиқов Халхингол жангларида Темир Равшанов билан бирга қатнашган экан. Хотинининг бевафолиги туфайли Темир Равшановнинг ўғли етим ўсган. Катта бўлгандан кейин отасини излаб Сибиргача борган. Уни тополмасдан, ҳарбий мактабга кириб ўқиган. Эндиликда кичик лейтенант сифатида жўнатилган ва тасодифни қарангки, у ҳам отаси қўмондонлик қилаётган дивизияга тушади, бирга жангларда қатнашади.

Бу хилдаги тасодифий учрашув ва тўқнашувларнинг саноғини яна давом эттириш мумкин. Шуларнинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, Иброҳим Раҳим образлар бирлигини яратиш мақсадида персонажларнинг ҳаёт йўлларини сунъий равишда жўнгина тасодифлар орқали боғламоқчи бўлади. Табиийки, бу ҳоллар китобхонни ҳар доим ҳам ишонтиравермайди.

Шунингдек, роман воқеаларида асосий роль ўйнайдиган баъзи бир образларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам мантиқан психологик далилланмай қолган. Кўпгина бобларда армия қўмондони генерал Владов тилга олинади. Воқеалар шу тарзда борадики, Темир Равшанов нимаики қилмоқчи бўлса ва нимаики қилса, генерал Владов бунга қарши туради. Ҳатто, шахсан, Олий Бош қўмондон буйруғи билан амалга оширилиши керак бўлган операцияни ҳам у тўхтата олади. Бироқ бирор марта Владов ўзи қилаётган ишлар ҳақида ўйлаб кўрмайди, жилла қурса, ёзувчи армия қўмондонининг бу қилмишлари сабабини очишга ҳаракат қилмайди. Натижада, Владов ҳеч қандай асоссиз ёмон генерал сифатида китобхон кўз ўнгида шаклланади. Хатти-ҳаракатлари пухта далилланмагани туфайли бу образ муҳим тарбиявий аҳамият касб этмайди. Худди шу хилдаги фикрларни Летунов образи ҳақида ҳам айтиш мумкин. Бутун роман давомида дивизия контрразведкачиси Летунов комдив ва унинг севгилиси Шарифага нисбатан узлуксиз қаршиликлар қилиб келаётган шахс сифатида таърифланади. Аммо бу душманликнинг асл сабаблари нимадан иборат эканлигини англаб ололмаймиз. Балки бу вазифани Летуновга кимдир топширгандир? Ёки у ўз хизмат бурчини шу хилда тор тушунадиган, табиатан ичиқора кимсадир? Тасвирланаётган образнинг характер мантиқи тўла-тўкис намоён бўлиши керак-ку! Акс ҳолда образ ёзувчи «чопари»га, «югурдаги»га айланиб қолмайдими? Персонаж асарда мантиқсиз равишда фақат ёзувчи «буйруғи» билан яшайдиган — ҳаракат қиладиган бўлса, жонли образ сифатида китобхон кўзи олдида мукаммал гавдалана олармикин?

«Генерал Равшанов» романида бошқа бир жиддий мантиқсизлик ҳам бор. Ёзувчи асарнинг қарийб ярмини генерал Равшанов қўмондонлик қилган отлиқ аскарлар дивизияси душман фронти орқасига уюштирган воқеаларга бағишлайди. Улар ҳам реалликдан кўра уйдирмага ўхшаб кетади.

Ана шундай манзаралардан бирини кўз олдимизга келтирайлик: отлиқ аскарлар ҳужумга тайёргарлик кўришяпти. Дивизия олдида ниҳоятда масъулиятли вазифа турибди. У душманнинг мустаҳкам мудофаа чизиғини ёриб ўтиши керак. Ўтиб олгандан кейин ҳам, ҳар қадамда жанг қилиш лозим. Бундай пайтларда одатда дивизияда алоҳида вазминлик ва жиддийлик пайдо бўлади. Асарда бундай ҳолатдан нишона ҳам йўқ. Бунинг ўрнига қандайдир тантановорлик, хушчақчақлик, вазиятга тўғри келмайдиган хурсандчилик кайфияти ҳукмрон. Бутун дивизия бўйлаб барча соз асбоблари тилга киради, ўйинга тушмаган бир кимса қолмайди — комдив ва комиссарлардан тортиб оддий солдатгача! Бамисоли тўйга отланаётгандек...

Ёзувчи масъулиятли жанг олдидан солдатларнинг кўтаринки руҳини таъкидламоқчи бўлган, албатта. Афсуски, бу хилдаги енгил тасвир кейин ҳам давом этади. Генерал Равшанов дивизияси бир зарб билан душман мудофаа чизиғини кесиб ўтади. Ўқ ўтмас танклару бронемашиналар, тиштирноғигача пулемётлару автоматлар билан қуролланган фашистлар отлиқ аскарлар олдида ип эша олмай қолади. Танклар, бронемашиналар ер билан яксон қилинади, қатор қишлоқлар озод этилади, фашистларнинг юқори даражали офицерларию генераллари асир олинади. Генерал Равшановнинг номи фашистлар орасига даҳшат солади.

Жангда пайдо бўладиган чигалликлар ниҳоятда осонлик билан ҳал қилинади. Қуршовда қолиб кетиш ҳам унчалик қийинчилик туғдирмайди. Душманнинг мудофаа линиясини ёриб ўтиш ҳам писта чақишдек бир гап. Мабодо «тил» керак бўлиб қолса, кўз очиб юмгунча асир муҳайё қилинади. Тангрибердининг қўлга олинишини эслайлик. Тангриберди жангчиларни Туркистон легионига ўтишга ташвиқ қилаётганлиги ҳақидаги овоза чиққан ҳамона Равшанов разведкачилари уни дарров тутиб келишади.

Бу гапларга, албатта, ишонгимиз келади. Дарҳақиқат, Равшанов типидаги фидойилар фашизм устидан қозонилган ғалабани таъмин қилганлар. Бироқ романда тасвирланган ўта шартли ва жўн эпизодлар қон тўкиб, жон бериб, не-не қийинчиликлар, не-не азоб-уқубатлар ҳисобига қўлга киритилган ғалабага соя ташламасмикин? Бундай ғайритабиий хатти-ҳаракатлар тасвиридан кўра жанг майдонидаги ҳақиқий тўқнашувларнинг ўзини кўрсатиш фойдалироқ бўлмасмиди? М. Шолохов, К. Симонов сингари ёзувчилар шу йўлдан бориб китобхонларга манзур асарлар яратдилар-ку! Нега энди қирқ йилдан кейин бу даҳшатли уруш манзараларини болаларнинг «уруш-уруш» ўйинига айлантиришимиз керак?

Уруш бошларидаёқ отлиқ қисмлар бронлаштирилган, моторлаштирилган, автомат қуроллар билан таъминланган замонавий қўшин турларига бардош бера олмаслиги кўриниб қолди. Шу сабабли жанг-жадалларда отлиқ аскарларнинг ўрни жуда камайган эди. Уруш охирларида эса ҳатто улов сифатида ҳам унга эҳтиёж қолмади. Шундай экан, отлиқ аскарларнинг мавқеини романдагидек бўрттириб кўрсатиш мантиқан тўғри бўлармикан?

«Генерал Равшанов»да қаҳрамонларнинг маиший ҳаётига ҳам анчагина ўрин берилган. Бу асосан Темир Равшанов ва Шарифа ҳамда Олимжон ва Гулнора билан боғлиқ. Уларнинг муҳаббат саргузаштлари орқали ҳам китобхон учун ибратли манзара чизиш мумкин эди. Бироқ бу борада ҳам романнинг бадиийлигига путур етказадиган, китобхон ишончини сусайтирадиган лавҳалар кўплаб учрайди.

Романда тасвирланган Темир Равшанов ёш йигит эмас. У Халхингол жангларида офицер сифатида қатнашган, Улуғ Ватан уруши бошларида полковник, дивизия қўмондони. Шундай экан, у тахминан 40 ёшлар атрофида бўлади. Шарифа билан Улуғ Ватан уруши арафасида, Тошкентда

www.ziyouz.com kutubxonasi

танишган. «Ошиқ-маъшуқ» — Равшанов ва Шарифа бир дивизияда хизматда; бироқ нимагадир бутун асар давомида улар ёш йигит-қизлардек ҳижрон ўтида ёниб, куядилар.

Ёзувчи бу аксар ишонарсиз ҳижрон кечинмалари тасвирига ниҳоятда кўп ўрин беради. Ўзўзидан савол туғилади: «ошиқ-маъшуқ»лар бир қисмда туриб, ҳар куни кўришишга имконият бўлгани ҳолда шу даражада ҳижрон азобларига тушишларига ишониш мумкинми? Тўғри иккинчи қисмда Темир Равшанов билан Шарифанинг оралари узоқлашади. Асарнинг бу ўринларидаги ҳижрон кечинмалари бирмунча асослидек кўринади. Бироқ улар ҳам Темир Равшанов ёшига мос тушавермайди. Муҳаббат ёш танламайди, дейишимиз мумкин. Лекин бу туйғулар жунбуши характер мантиқи асосида ҳаётий далилланмайди. Равшановнинг ўғли Олимжон эса бир неча бор дадасига разведкага бориб, қуршовдаги дивизиядан «бўлажак онани» отнинг орқасига миндириб олиб келишга тайёрлигини билдиради. Қизиқ, наҳотки эндигина топишган ўғил билан генерал ота ораларида шу хилда муносабат бўлса?

Кўряпсизки, воқеалар, шахс хатти-ҳаракатлари тасвиридаги сунъийлик, аксари психологик ҳолатларнинг пухта далилланмаганлиги ҳақида кўп гапиряпмиз. Фикримиз яна ҳам ишончлироқ бўлиши учун битта фактга батафсилроқ тўхталайлик: жангчилардан бири — Ботирнинг отига бомба парчаси тегиб йиқилади. От ўлим талвасасида. Кимдир отни сўйиб юбормоқчи. Уни сўйиш керакми, йўқми деган баҳс кетади. Ниҳоят отни сўйишга қарор қилишади. Ботир эса буни кўрмаслик учун чопиб ўрмонга кириб кетади.

Бу яхши топилган эпизод тасвири орқали оддий жангчи ҳолатини чуқур кўрсатиш мумкин эди. Жангчининг кўз илғамас хатти-ҳаракатлари, нигоҳидаги ўзгаришлар, сўз ифодаларидаги изтироб ва ҳоказо психологик белгилар воситасида қаҳрамоннинг ҳақиқий ҳолатини эсдан чиқмайдиган қилиб гавдалантирса бўларди. Ҳақиқий санъаткор шундай иш тутарди. Иброҳим Раҳим эса бунинг ўрнига қуруқ ва жўн баҳсни, Ботирнинг чопиб ўрмонга кириб кетишини баён йўли билан айтиб ўтади, холос. Афсуски, Иброҳим Раҳимнинг романнавис сифатидаги услуби доим шу хилда. Яъни чуқур, деталлаштирилган психологик таҳлил ўрнига оддий баён, жўн тасвир, юзаки қайд қилишлар...

Романда ўйлаб кўриш керак бўлган яна бир гап бор: Темир Равшанов ўзбек генерали. Улуғ Ватан уруши жангларида иштирок этган ягона ўзбек генерали Собир Раҳимовни ҳаммамиз яхши биламиз. Унинг ҳаёти ҳақида драма ёзилган, фильм яратилган. Шундай экан, масаланинг бу жиҳати ҳам кишини ўйлатиб қўяди. Тўғри, ёзувчи тўқима йўли билан образ яратиши мумкин. Бироқ бадиий ижодда ҳар бир тўқима реал ҳақиқатдан узоқлашмаслиги керак. Ҳаётийлигига шубҳа уйғотмаган воқеа ёки образларгина бадиий қувватга эга бўлади.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Улуғ Ватан уруши барча Совет халқлари бирлигига асосланган интернационал ғалаба бўлди. Турли миллат вакиллари, жумладан, ўзбеклар ҳам миллионлардан иборат катта қўшин қисмларига сочилиб кетган эди. Кинофильмларда қўлига қурол олиб жанг қилаётган ўзбекларни жуда кам кўрамиз. Тўғриси, уларни кўрганингизда бир оз алам ҳам қилади (Хусусан, ўзингиз Улуғ Ватан урушида қатнашган бўлсангиз). Бироқ ўзбек генерали қўмондонлик қилаётган дивизияда оддий алоқачи-ю, интендант хизматчиси, полк командири, разведкачилар бошлиғи, оддий командирлар, кўзга ташланадиган оддий аскарларгача ўзбек қилиб тасвирлаш тўғри бўлармикин? Объектив ҳақиқатга тўғри келадиган меъёрни сақлаш фойдали бўлмасмиди?

Ўқувчимиз бизни тўғри тушунсин. Уруш бошларида мустақил миллий дивизиялар тузилгани маълум. Бироқ Иброҳим Раҳим тасвирлаган ва генерал Равшанов қўмондонлик қилган ҳар икки дивизия (биринчиси пиёда аскарлар, иккинчиси отлиқ аскарлар) миллий дивизиялар эмас. Шундай экан, персонажларни асосан ўзбеклардан қилиб танланиши ёзувчининг бу ўринда ҳам реал ҳақиқатга асосланмаганлигини кўрсатади.

Адолат юзасидан айтиш керакки, ҳарбий ҳаёт воқеаларини деталлаштириб тасвирлаш жиҳатидан «Генерал Равшанов» романи адибнинг илгариги асарларидан фарқ қилади. Хусусан, Улуғ Ватан урушига тегишли айрим манзаралар, эпизод ва деталлар қизиқарли яратилган. Бу жиҳатдан ёзувчининг жанг майдонларида бевосита ўзи иштирокчи бўлгани сезилиб турибди. Шунга қарамай, аксари воқеалар характерлар призмаси орқали эмас, балки кўпроқ баённчилик йўли билан тасвирлангани, баъзи образ ва ҳодисаларнинг реал ҳаёт мантиқига асосланмагани асар бадииятига путур етказганини афсус билан қайд этишга тўғри келади.

Ҳаёт ранг-баранг. Унда шундай қараганда, кўз илғамас воқеалар, одамлараро чигал муносабатлар, психологик кечинмалар мавжуд. Уларни барча мураккаб қирралари билан ёрқин акс эттириш адабиётимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Ўктам Усмонов янги романи — «Қисмат»ни[1] ҳаётнинг ана шу томонига бағишлабди. Адиб ўз замондошларининг мураккаб руҳий ҳолатларини акс эттиришга кўпроқ қизиқади. Унинг илк романи «Гирдоб» бу жиҳатдан катта сабоқ бўлди. «Қисмат»да акс эттирилган воқеалар баъзи қирралари билан «Гирдоб»даги масалаларга боғланади. Гап ҳар икки асарда илм аҳлига тегишли шахслар фаолияти тасвирида эмас. Муҳим нуқта илм доирасидаги шахсларга тегишли ахлоқий масалаларнинг қўйилиши ва ҳал қилинишидадир..

«Қисмат»да ҳам воқеалар узлуксиз ривожланишда тасвирланган. Тасаввур қилинг: раҳбар ходимлардан бири машинада кетяпти. У қизи Анорани ўқишга жойлаштирмоқчи. Қисқа вақт ичида қаҳрамон хаёлидан кўп воқеалар ўтади: Мирзачўлга сув мутахассислиги бўйича ишга келиши, шофёр Жўравойнинг оиласи, етим ўсган бу йигитга кўрсатган ғамхўрликлари... Булар шунчаки, оддий воқеалар эмас, балки персонажлар қалбида рўй берган жиддий психологик ҳолатлар. Воқеа кўлами кенгая боради. Тошкентга келиш муносабати билан адиб узуқ-юлуқ тарзда бўлса ҳам қаҳрамоннинг студентлик чоғларига назар ташлайди. Сатторнинг Маҳбуба Икромовна билан тасодифан учрашиб қолиши сюжетда янги босқич яратади. Шу баҳонада унинг илк муҳаббати, орзу истакларини кўз олдимизга келтирамиз. Муҳими, бу воқеада ҳам қандайдир сир борлигини англаймиз. Маҳбуба Икромовна — юридика факультетининг декани. Демак, Саттор Турдиевич билан Маҳбуба Икромовна учрашуви бўлажак воқеаларга алоқадор экани сезилади. Кўп ўтмасдан

[1] Асар «Ёшлик» журналида қисса деб эълон қилинган. — **Ред.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

яна бир шахс пайдо бўлади. Бу профессор Мумтоз Умаров — Маҳбубанинг иккинчи эри. Улар Саттор Турдиевичга бирдек илиқ муомала қиладилар. Воқеалар оқимидан ниманидир кутамиз. Аммо сюжет ривожи ўйлаганимиздек бўлавермайди. Ёзувчи унга бошқача йўналиш беради. Маҳбуба Икромовна ёрдамида университетга ҳужжат топширган, ётоқхона билан таъминланган Анора воситасида асарда муҳим бир масала кўтарилади. Ўзгаларнинг ёрдами билан ўқишга жойлашиш, истеъдодли ёшлар ўрнига ўртамиёна шахсларнинг илмий доирага кириб қолишлари, олий ўқув юртига қабул пайтида қандайдир рўйхатларнинг бўлиши, ошна-оғайнигарчиликлар ва ҳоказо муаммолар ўртага тушади. Бундай қараганда, бу масалалар кўпчиликка маълум, оддий ҳақиқатлардек кўринади. Аммо адиб Мумтоз Умарович ҳамда Саттор Турдиевич ораларидаги баҳсни анча маънодор қилиб бера олгани учун, бу масалаларнинг моҳиятига қизиқиб қоламиз. Бунинг устига ёзувчи Мумтоз Умарович билан Маҳбуба Икромовна орасида ҳаётда кам учрайдиган муносабатлар ҳақида маълумотлар беради. Айни пайтда бу аёл билан Саттор Турдиевичнинг ўтмишига доир воқеаларни эслатиб ўтади. Булар ҳам воқеалар ривожига маъно бағишлайди ва китобхонда қизиқиш уйғотади. Кўраяпсизки, сюжет фақат кўлам жиҳатидан эмас, балки муҳим ҳаётий масалаларни ўртага ташлаш тарзида янги босқичга кўтарила боради.

Афсуски, иккинчи қисмда сюжет оқими кескин ўзгаради. Шахслараро муносабат асосида жиддий ривожланаётган воқеалар бирикмаси асарнинг бутун ярми давомида бош қаҳрамоннинг таржимаи ҳоли тасвирига ўтади. Унинг ҳаёт йўли босқичма-босқич батафсил ҳикоя қилинади. Ҳатто шундай бўладики, китобхон Саттор Турдиевич билан Тошкентдан Бўстонлиққа, Бўстонликдан Тошкентга, Тошкентдан Мирзачўлга, Мирзачўлдан Тошкентга сон-саноқсиз, қарийб бир хил тарзда қатнайди, у билан баробар йўл босади. Бу тафсилотлар эса китобхонни анча зериктиради. Натижада асарнинг биринчи қисмида тўғри йўлга қўйилган сюжет суръати барбод бўлади. Шу муносабат билан ёзувчи услубида ҳам ўзгариш рўй беради. Биринчи қисмда биз кескин психологик тасвирга мойил, воқеаларга жиддий суръат бағишлай оладиган адибни кўрамиз. Кейинги саҳифаларда эса ҳамма тафсилотларни асар жилдига кирита берадиган, баъзи ўринларда қуруқ воқеанависликка ўтиб оладиган, материални юкига қараб сараламайдиган қаламкашга дуч келгандек бўламиз. Романнинг ҳар иккала қисми бир-биридан ажралиб қолган. Ёзувчи тасвирга жалб қилган мазмун аслида битта қиссага етарли. Уни роман деб аташ учун муаллиф қисса воқеаси орасига бошқа бир услубда ёзилган иккинчи бир асар материалини жойлаб қўйгандек таассурот туғилади.

Тўғри, асарнинг бу қисмида ҳам ёзувчининг нозик диди, воқеаларни, психологик ҳолатларни ҳис қила билиш истеъдоди кўзга ташланиб туради. Хусусан, ёш боланинг отасини урушга кузатиш пайтларига тегишли кечинмалар, муҳаббат оловида бағри куйган йигитнинг ҳолати тасвирлари китобхонда ҳаяжон уйғотади, албатта. Афсуски, бу таассуротлар бир хил оҳангда кетма-кет қайд этилган эпизодларга кўмилиб кетган.

Адиб Саттор Турдиевичнинг институтга имтиҳон топширишига тегишли эпизодларни бугунги олий ўқув юртларига кириш пайтидаги ғайриқонуний ҳодисалар билан таққосламоқчидек кўринади.

Саттор Турдиевич имтиҳондан қулагандан кейин виждон амри билан Мирзачўлга ишга кетади. Унинг ҳамхонаси Ражаббой бир неча марта олий ўқув юртига ҳужжат топшириб, конкурсдан ўтолмайди. Шу йиллар давомида у оддий ишчи сифатида турли жойларда ишлайди ва меҳнатда чиниқади. Ниҳоят, Саттор билан бирга имтиҳон топширган йили олий ўқув юртига киришга сазовор бўлади. Бу эпизодларда муаллиф Ражаббой характерига хос бўлган мақсадга интилувчанлик ва ҳалолликни улуғлайди. Саттор ва Ражаббойдаги фазилатлар ва уларнинг қисмати олий ўқув юртларининг бугунги аҳволи ҳамда Анора тақдири орқали қиёсий тарзда боғланади. Аммо фақат шу боғланишгина бунчалик катта қистирма материалнинг асар тўқимасига киритилишини оқлай олмайди.

Ёзувчи романнинг охирги бобларида сюжет тараққиётини яна тез суръатлар билан ривожлантиради ва унга катта маъно бағишлайди.

Саттор Турдиевич ўз истаги ғайриқонуний амалга ошаётганини англаб қолади. Асарнинг бу ўринларида чуқур психологизм мавжуд. Кўз олдимизда ҳаромдан ҳазар қиладиган, ўз диёнатига содиқ, шахсий манфаатини умумхалқ ва давлат манфаатидан ажратмайдиган раҳбар ходим образи гавдаланади.

Баъзи камчиликлардан қатъий назар «Қисмат» психологик асар ҳисобланади. Сюжетнинг бош оқимида, ҳатто сюжет динамикасини бузиб турган қистирма воқеаларда ҳам муаллиф ҳаёт материалини психологик планда, бошқача айтганда, қаҳрамонларнинг ҳолат тасвири орқали беради. Унинг диққат марказида воқеалар тафсилоти эмас, балки шахслар, уларнинг психологик кечинмалари, ўй ва орзулари туради.

* * *

Юқорида таҳлил қилинган романлар ҳаёт материалини қамраб олиши, характерлар тасвири, шунингдек, эпик жанрларга хос динамик ва суръатли сюжет яратиш жиҳатидан ҳар хил. Баъзи бирларида теран ва мукаммал тафаккур оқими етишмаса, айримларида воқеа-ҳодисаларнинг мантиқан заифлиги кўзга ташланади. Баъзиларида эса асарнинг барча қисмларида сюжет динамикаси ва суръат бирдек етарли эмас. Баъзи романлар воқеа ва характерлар тасвирига кўра китобхонни қувонтирса, баъзилари бадиий воситалардан фойдаланишда заифлик мавжудлигини кўрсатади. Романчиликдаги ютуқларни инкор қилмаган ҳолда ёзувчиларимиз маҳорат сирларини изчиллик билан эгаллашини ва бугунги китобхонлар талабига тўла жавоб берадиган етук асарлар яратишини истар эдик. Назаримизда, асосий масала сифат ва савиядадир.

www.ziyouz.com kutubxonasi